КУТУБХОНАСИ

2006 ЙИЛ, 21 АПРЕЛЬ, ЖУМА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 77 (10.634)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг жорий йил биринчи чораги якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда эришилган ютуқлар қайд этилиб, айни пайтда иқтисодий ислоҳотларнинг изчиллигини таъминлаш, коммунал тўловлар борасидаги камчиликларни бартараф этиш, хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини тубдан яхшилаш, тармоқлар салоҳиятини ошириш вазифалари белгиланди.

● Кеча Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг гиёванд моддаларга қарши кураш бўйича конвенциясининг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида бажарилишини назорат қилишга бағишланган сайёр йиғилиш ўтказди.

● Кеча Тошкентдаги Халқаро бизнес маркази ва жойлашган ўзбек-япон марказида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда Япония Миллий молиявий корпорацияси ҳамкорлигида «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва уларни молиялаштириш» мавзуида семинар ташкил этилди.

● Навоийда бўлиб ўтган анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг «Фуқаролар йиғинлари раислари, оқсоқоллари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан вилоятда сайловни юқори савияда ташкил этиш билан боғлиқ масалалар муҳокамасига бағишланди.

● Чирчиқ шаҳридаги 14- ва Бўкадаги 15-Меҳрибонлик уйларининг 230 нафар тарбияланувчиси «Юртим жамолидан кўзим қувнайди» мавзуидаги маърифий саёҳатга таклиф этилди. Пойтахтимиз бўйлаб сайр қилган болалар Истиқлол йилларида барпо этилган бетакрор иншоотларни, боғу-роғларни томоша қилишди, Мустақиллик майдонида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишишди.

● Асака шаҳрининг бешта маҳалласига 13 километрдан иборат водопровод қувури тортилди. Бу ишларни бажариш учун «Ўзавтосаноат» давлат акциядорлик компанияси 150 миллион сўм сарфлаган. Умуман, жорий йилнинг биринчи чорагида Андижон вилоят ҳокимияти ва маҳаллий ҳомийларнинг кўмаги орқали 58 та кўп қаватли уйнинг сув билан таъминлаш тармоғи таъмирланди.

● Пахтаобод туманидаги «Маданият» санаторийси дастлабки дам олувчиларни қабул қилди. Гап шундаки, бу масканда 2600 метр чуқурликдан шифобахш минерал сув олиниб, у ўзининг барча хусусиятлари жиҳатидан Украинанинг «Трускавец» санаторийсидан чиқадиган «Нафтус» минерал сувидан қолишмайди.

● Пойтахт вилояти йўллари бўйлаб велошоссе бўйича ўтказилган Ўзбекистон очиқ чемпионатида ҳамюртларимиздан ташқари Қозоғистондан келган спортчилар, жами 150 нафарга яқин велопойгачи ғолиблик учун куч синашди.

ЖАҲОНДА

● «Ассошиэйтед пресс» ахборот агентлигининг хабарида айтилишича, мабодо АҚШ ҳарбийлари нефть конлари устидан ўз назоратини ўрнатиш мақсадида Венесуэлага ҳужум қиладиган бўлса президент Уго Чавес мамлакатдаги барча нефть конларини портлатиб юборишини билдирган.

● Италия Олий Кассация суди Романи Проди бошчилигидаги сўл марказчилар коалициясининг мамлакат парламенти учун бўлиб ўтган сайловлардаги ғалабасини қонуний деб топди. Мамлакат Конституциясига мувофиқ, эндиликда президент Карло Чампи ғолибга янги ҳукуматни шакллантириш бўйича топшириқ беради.

● Пентагон биринчи маротаба Кубада жойлашган Гуантанамо қамоқхонасидаги маҳбуслар рўйхатини эълон қилди. Рўйхатдан 558 нафар турли миллатга мансуб 41 та давлат фуқаролари бўлмиш маҳбуслар ўрин олган.

● Мана икки ҳафтадирки, Непалда норозилик намойишлари давом этмоқда. Мухолифат томонидан мамлакат қироли Гьянендра бошқарувига қарши кенг кўламдаги норозилик акцияси арафасида Непал пойтахти Катманду шаҳрида 18 соатлик комендантлик соати жорий этилди. Унга мувофиқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи кучлар алоҳида режимни бузувчиларга нисбатан огоҳлантиришсиз ўқ узишлари мумкин.

● Индонезиянинг Ява оролида юз берган сув тошқинлари натижасида камида 23 киши ҳаётдан кўз юмган. Тўхтовсиз ёмғирлар ёғиши оқибатида юзага келган тошқинлардан Оролнинг шарқий қисмида жойлашган Бендунган райони кўпроқ жабр кўрди.

● БМТнинг қочқинлар ишлари билан шуғулланувчи агентлиги томонидан тайёрланган ҳисоботда айтилишича, 2005 йилда қочқинлар сони ўртача 9,2 миллион нафарни ташкил қилган. Бу охирги 25 йилдаги энг паст кўрсаткичдир.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 22 апрель куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлади. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Момақалдироқ пайтида шамолнинг тезлиги кучайиб, секундига 15-17 метрга етади. Кечаси 10-12, кундузи 19-21 даража иссиқ бўлади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

● **КЕЧА** Учтепа туманидаги «Ўриқзор» маҳалласида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан маҳалла фаоллари ва ёшлари иштирокида уюштирилган давра суҳбати «Мустақиллик ва Конституция ҳимояси — ҳар биримизнинг бурчимиз» деб номланди.

● **БУГУН** Бектемир туманидаги «Ниҳол» спорт мажмуасида туман хотин-қизлар қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлимлари ҳамкорликларида маҳаллалардаги спортчи оилалар иштирокида уюштирилган спорт мусобақалари Оила кунига бағишланди.

● **КЕЧА** Боровский номидаги тиббиёт коллежида «Огоҳликка даъват» мавзуида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Маънавият ва маърифат» марказининг Миробод туман бўлими ҳамкорлигида уюштирилди.

● **КЕЧА** «Байналмилал» маҳалласида Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан уюштирилган хайрия тадбирида маҳалла фуқаролари, кам таъминланган оилалар аъзолари, ёшлар иштирок этишди.

● **БУГУН** Сергели туман ҳокимлигида май, июнь ойларида ўтадиган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик масаласига бағишлаб ўтказилган семинарда туман фаоллари, маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссиялари раислари, Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчилари ва талабалари иштирок этишди.

● **БУГУН** Ҳамза маиший хизмат касб-ҳунар коллежида «Миллий истиқлол ғояси ва тамойиллари» мавзуида ўтказилган давра суҳбатида ўқувчилар ва ўқитувчилар иштирок этишди.

● **ЎТГАН** куни Юнусобод туманидаги «Оқтепа» маҳалласида фаоллар, ёшлар иштирокида уюштирилган маънавий-маърифий кеча «Эзгулик — умр зийнати» деб номланди.

● **БУГУН** Мирзо Улуғбек маҳалласида маҳалла фаоллари, Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчилари, талабалари иштирокида уюштирилган семинар май, июнь ойларида ўтадиган маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш масаласига бағишланди.

● **КЕЧА** «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ташаббуси билан Тошкент шаҳар ИИББ, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорлигида «Учтепа» болалар спорт мажмуасида шаҳримиз маҳаллаларида яшовчи, ИИБ рўйхатида турувчи вояга етмаган болалар ўртасида уюштирилган спорт мусобақаларининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

МАҲАЛЛАНГ — ОТА-ОНАНГ

Ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовуштириш, турар жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан кунга ошиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз.

Ислом КАРИМОВ









КЕЧА ПОЙТАХТИМИЗДА «ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ» МАВЗУИДАГИ СЕМИНАР-ЙИҒИЛИШ БЎЛИБ ЎТДИ.





СЕМИНАРДА ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ АЪЗОЛАРИ, САЙЛОВЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШГА КЎМАКЛАШУВЧИ ШАҲАР ВА ТУМАН КОМИССИЯЛАРИ, МАҲАЛЛАЛАРДАГИ ИШЧИ ГУРУҲЛАР, ШУНИНГДЕК ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ТУЗИЛМАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтадиган сайловларга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Аввал хабар берилганидек, сайловлар жорий йилнинг май-июнь ойлари давомида — тегишли қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган муддат бўйича амалдаги оқсоқолларнинг ваколати тугаши билан бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарори ҳамда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг тегишли қарори ижросини таъминлаш борасида айни пайтда шаҳар ва туман миқёсида сайловларни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар, жойларда эса — бевосита ҳар бир маҳаллада сайлов кампанияси даврида асосий масъулият зиммасига юклатилаётган махсус ишчи гуруҳлар ўз фаолиятини юритмоқда.

Ушбу тузилмаларнинг мақсад ва вазифалари тегишли ҳужжатларда белгилаб қўйилган. Бироқ уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш пайтида нималарга асосий эътибор қаратилиши лозим? Семинар давомида шу ва сайловларга оид бошқа муҳим масалалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қўмитаси раиси Мавжуда Ражабова ҳозирги кунда республиканинг барча вилоятларида ўтказилаётган семинар-йиғилишларнинг аҳамияти ва моҳияти ҳақида фикр билдириб, фуқаролар йиғини сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш жараёни муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга эканлигига алоҳида урғу бериб ўтди. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, дея таъкидлади нотиқ, пировардида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга йўналтирилгандир.

(Давоми 2-бетда)

ДИҚҚАТ, МУЛОҚОТ!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕРАДИОКАНАЛИДА КЎРИНГ, «ОҚШОМ» САҲИФАЛАРИДА ЎҚИНГ

Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Маълумки, шу йилнинг май-июнь ойларида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловлари бўлиб ўтади. Ҳозир жойларда сайловга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. ***25 апрель, сешанба куни соат 21.30 да*** *«Ойнаи жаҳон»нинг* ***«Тошкент» телеканалида*** *ушбу телерадиоканалининг «Оқшом» газеталари билан ҳамкорликда ташкил этган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказишга доир долзарб масалалар муҳокамасига бағишланган давра суҳбатини кўришингиз мумкин. Унда мутахассислар, ҳуқуқшунослар, маҳаллалар оқсоқоллари иштирок этишиб, бўлғуси сайловларнинг мазмун-моҳияти тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини билдиришади.*

«Оқшом» газеталарининг 26 апрель сонида эса ушбу давра суҳбатининг тафсилотлари билан батафсил танишишингиз мумкин.

МАМЛАКАТИМИЗДА КАСАНАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.

Фармон ва ижро

КАСАНАЧИЛИК — БАРАКАЛИ ИШ

Бунда Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 5 январда эълон қилинган «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мазкур ҳужжатга биноан йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг буюртмалари асосида банд бўлмаган аҳоли, айниқса, хотин-қизлар, кўп болали оналар, ногиронлар, тайёргарлик ва малака даражаси етарли бўлмагани боис ўзига муносиб иш топишга қийналаётган юртдошларимиз касаначиликка кенг жалб этилаётир.

— Шу кунгача қирқ нафар кишини шартнома асосида иш билан таъминладик, - дейди «Тошикрангмет» масъулияти чекланган жамияти директори Шермуҳаммад Усмонов. - Улар ўз уйларида асосан бичиш-тикиш ишлари билан шуғулланмоқда. Йил охирига қадар касаначиларни янада кўпайтириш ва уларга зарур барча шароитларни яратиб бериш ниятидамиз.

— «Тошикрангмет» билан шартнома асосида ишлаётганимга кўп бўлгани йўқ, — дейди сергелилик Шоҳида Юсупова. - Фарзандлар тарбияси, рўзғор ишлари билан бир қаторда уй меҳнатини ҳам бемалол эплаяпман. Касаначилик - баракали иш экан. Шу туфайли оиламиз даромади ортмоқда. Президентимизнинг касаначиликни ривожлантиришга қаратилган фармонига мувофиқ мендай аёллар ижтимоий суғурта, касаллик варақасига ҳақ олиш, пенсияга чиққанида давлат корхоналари ишчи-хизматчилари билан тенг ҳуқуққа эга бўлади.

Х.САЛИМОВ, ЎзА мухбири

Семинар-йиғилиш

МАҲАЛЛАНГ — ОТА-ОНАНГ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу нуқтаи назардан фуқаролик институтлари қаторида етакчилик қилаётган маҳалланинг умуммиллий демократик қадриятимиз сифатидаги ўрни ва аҳамиятини кучайтириш янада муҳим маъно касб этади. Оқсоқоллар сайловларида кенг аҳоли иштирок этади. Демак, очиқ ва ошкораликка амал қилиниши — мазкур сайлов жараёнининг демократик тамойилларини ҳамда унинг сиёсий аҳамиятини белгилайди.

Сайлов ташкилотчилари, шунингдек ушбу жараённинг бевосита иштирокчилари — сайловчилар ва сайланаётганларнинг биринчи галдаги вазифаси бу барча сайлов тадбирларининг қонунчилик асосида амалга оширилиши, тайёргарлик даврида ва ҳисобот-сайловларни ўтказиш пайтида бирон-бир хатоликка йўл қўймасликдан иборатдир.

Сайловларга дахлдор аксарият тегишли тузилмалар олдига аниқ вазифалар қўйилган бўлса-да, асосий масъулият, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бевосита турар жойларда ташкилий масалаларни ўз зиммасига олган ишчи гуруҳларга юклатилган. Ҳозирги пайтда улар белгиланган тартибда маҳалла аҳли томонидан сайловларда иштирок этиш учун вакилларни сайлаш бўйича умумий йиғилишлар ўтказмоқда. Сайлов кампаниясининг бу тадбири қонунчилик жиҳатидан қандай ташкил этилиши керак?

Республика «Маҳалла» жамғармаси раиси Аъзам Гадойбоев ушбу масалага аниқлик киритгани ҳолда, хусусан «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг тегишли моддасини шарҳлаб берди. Амалда биринчи маротаба қўлланиладиган мазкур ҳужжатда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловида маҳалла аҳлининг иштирок этиши ихтиёрий ҳамда эркиндир, дея қайд қилинган. Фуқароларга уларни сайловда иштирок этишга ёки иштирок этмасликка мажбур қилиш мақсадида, шунингдек, уларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришга таъсир ўтказишга ҳеч ким ҳақли эмас. Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш ҳуқуқига 18 ёшга тўлган фуқаролар эгадир. Сайловларда суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларнинг иштирок этиши мумкин эмас. Фуқароларнинг иштирок этиш ҳуқуқларини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.





Семинар иштирокчиларининг эътибори шунингдек фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) вазифасига номзодларни танлаш масаласига ҳам қаратиб ўтилди ва бу борада яна бир бор қонунчилик талабларига риоя этиш лозимлиги таъкидланди. Қонунчиликда номзодларнинг сони белгиланмаган, аммо сайловчиларга таклиф этилаётган кишилар орасидан энг муносибини сайлаш имкониятини яратиш учун муқобиллик, албатта инобатга олиниши зарур. Қайд этилган Қонуннинг 14 ва 15-моддаларига асосан фуқаролар йиғини раиси вазифасига номзодлар кўрсатиш, албатта аҳолининг фикрини инобатга олган ҳолда ишчи гуруҳлари томонидан амалга оширилади. Оқсоқолликка номзодлар, қоида тариқасида, олий маълумотли ва тегишли ҳудудда доимий яшайдиган, шунингдек ташкилотчилик қобилияти, ҳаётий тажриба ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлмоғи керак. Ушбу вазифага озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

Ишчи гуруҳи ҳисобот-сайлов йиғинларини ўтказиш куни, вақти ва жойини белгилашга ваколатлидир. Ушбу йўналишда туман ҳокимликлари томонидан уларга амалий ёрдам кўрсатилиши, зарур бўлган ҳолларда жой ҳамда алоқа, транспорт ва бошқа воситалар билан таъминлаши керак. Сайлов ўтказиладиган муддат тўғрисида барча маҳалла фуқаролари даставвал, ҳисобот йиғилишидан камида беш кун олдин хабардор қилинишлари шарт. Ҳисобот йиғилиши ва сайловларда ҳовлилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар ва даҳалардан умумий йиғилишда вакил этиб сайланганлар иштирок этади. Вакиллик меъёри энг кўпи 30 кишидан бир вакил сайлаш билан белгиланган.

Ишчи гуруҳи аъзоларига катта ҳажмдаги ташкилий ишлар юклатилаётганини инобатга олган ҳолда, Меҳнат Кодексига асосан улар сайлов кампанияси давомида асосий эгаллаб турган лавозимидан тўлиқ ойлик маоши сақланган ҳолда вақтинча озод этилишлари лозим.

Семинарда шунингдек, Яккасарой тумани кўмаклашувчи комиссиясининг бўлажак сайловларга тайёргарлиги юзасидан кўргазмали ишлари намоён этилди. Комиссия ҳамда ишчи гуруҳ аъзоларига қулайлик яратиш учун ташкилотчилар томонидан барча зарурий ҳужжатлар тўплами электрон версиялари билан барча туманларга тарқатилган ва айни пайтда уларни жойлардаги ҳар бир ишчи гуруҳига ҳам етказиш лозимлиги тавсия этилди.

— Буни аввалги сайловлар тажрибаси маҳсули дейиш мумкин, — дейди комиссия аъзоси, Яккасарой тумани ҳокимияти ташкилий назорат гуруҳи раҳбари Абдусамат Ҳидоятов. — Бундай услубдан Олий Мажлис ҳамда маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сўнгги сайловларда ҳам самарали фойдаланганмиз. Дарвоқе, ўшанда ҳам биз керакли қонунчилик-меъёрий ҳужжатлар билан аксарият округ ва участка комиссияларини таъминлашга ҳаракат қилган эдик. Ҳужжатлар тўплами бир нечта қисмдан иборат бўлиб, умумий олганда ишчи гуруҳлари фаолиятининг изчил ва унумли йўлга қўйилишига асос бўла олади. Биринчи қисмга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ва «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда туман ҳокимининг тегишли қарорлари жамланган. Шунингдек, ўндан зиёд ҳужжатлар намуналари кўрсатиб ўтилган, тўпламга маҳаллалар бўйича статистик ахборотлар шакли, уларнинг ҳаритаси, ҳар бир маҳалла ҳудудида жойлашган юридик субъектлар номи, сайловчилар, уй боши, йўлакбоши, амалдаги маслаҳатчилар рўйхатлари ва бошқа керакли маълумотномалар киритилган. Агарда ушбу ҳужжатларга тўлиқ риоя этган ҳолда иш юритилса, ортиқча муаммо ёки хатоларга йўл қўйилмаслиги кафолатланади, десак муболаға бўлмайди.

— Шу ўринда туман тажрибаси хусусан пойтахтда ўтказиладиган сайловларга масъул бўлган ҳамда комиссия ва ишчи гуруҳларга зарурий ёрдамни кўрсатишга жалб этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, бошқа бир қатор муассаса ва ташкилотлар вакилларида катта қизиқиш уйғотганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз, — деди шаҳар Халқ таълими соҳаси бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдуманноп Собиров. — Ушбу таркибда халқ таълими соҳаси вакили сифатида мен Сергели ва Бектемир туманларига бириктирилганман. Албатта, олдинги сайлов жараёнлари каби бу йилги ўзини ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтадиган сайловларда таълим соҳаси вакилларига катта ишонч билдирилаётгани фахрлидир. Маълумки, ҳисобот йиғилишлари, яъни сайловлар асосан маҳалла ҳудудларида жойлашган мактабларда ўтказилади. Ўйлаймизки, бу борада «Оила — маҳалла — мактаб» концепцияси ўзини яққол намоён этишига янада катта имконият очилади. Ташкилий масалаларга қайтиб, шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдимки, агарда биз ҳар бир ишчи гуруҳини, айниқса қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар борасида шарт-шароитлар ва имкониятлар билан таъминлаб берсак ҳамда тегишли қонунчилик талаблари мақсад-моҳиятини ҳар бир гуруҳ аъзосига етказа олсак, ишончим комилки, сайловлар юқори даражада, фуқароларнинг фаол иштирокида бўлиб ўтади.

— Бир вақтлар мен ҳам оқсоқол бўлганман, — дейди «Нуроний» жамғармаси Сергели тумани бўлими раиси Баҳодир Қурбонов. — Лекин маҳалла фуқаролар йиғини раисига бугунги кунда қўйилаётган талаблар мутлақо фарқ қилади. Маҳалла етакчиси нафақат олий маълумотли ва катта ҳаёт тажрибасига эга бўлиши, балки айнан етакчи сифатида кўпчиликни ўз ортидан эргаштира оладиган, маҳалла-кўй тинч-тотувлиги ва осойишталигига жавобгар, бугунги замон мезонларига жавоб берадиган шахс бўлмоғи даркор. Шу нуқтаи назардан биз, ташкилотчи бўламизми ёки бевосита маҳалла аъзосими, бу жараёнда фаол иштирок этишимиз билан бирга, тарғибот-ташвиқот ишлари бошида бўлиб, ёшларга ўрнак кўрсатишимиз керак.

— Ҳар бир тадбирда, унинг кўлами ва мақомидан қатъи назар, энг асосийси ташкилий масалага тўғри ёндошиб иш тутилса, кўзланган мақсадга эришиш мумкин, — дейди «Маҳалла» жамғармаси Миробод тумани бўлими раиси Нозим Зоҳидов. — Иш фаолиятим илгари бошқа йўналишда бўлгани сабабли фақат сайловларда иштирок этиб келардим. «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими раиси ва сайловларга кўмаклашувчи комиссия аъзоси сифатида менга нечоғлик масъулиятли вазифа юклатилаётганини тушуниб етмоқдаман. Сайлов натижалари фақат маҳаллага оқсоқол ва унинг маслаҳатчилари сайланиши билан якунланмайди. Комиссия ва ишчи гуруҳи аъзолари кейинги икки ярим йил мобайнида янги сайланганларнинг фаолиятига масъулдирлар. Бу ҳақда семинарда алоҳида таъкидлаб ўтилгани бежиз эмас. Сайловларга тайёргарлик жараёни қанчалик мураккаб ва тиғиз бўлмасин, барча ҳаракатларда адолат мезонига асосланиб, қонун устуворлигини таъминлашимиз лозимдир.

Жорий йилнинг май-июнь ойлари давомида республикамиз миқёсида ўн мингдан зиёд ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар бўлиб ўтади. Фақат Тошкент шаҳри бўйича оқсоқолликка бир ярим мингдан зиёд номзод кўрсатилиши кутилмоқда. Улар орасидан 474 нафар энг сара, энг муносиб, халқчил инсонларни сайлаш лозим бўлади. Демак, бугунги кундан бошлаб шаҳар ва туман комиссиялари, ишчи гуруҳлари аъзолари, депутатлар — бу борадаги ҳар бир масъул шахс ҳаётимизда муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлган тадбирнинг юқори даражада ўтишига бутун саъй-ҳаракатларини сафарбар этмоғи лозим.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

Спорт

ПОЙТАХТ ВАКИЛИ — СОВРИНДОРЛАР САФИДА

ШОССЕ ВЕЛОПОЙГАСИ БЎЙИЧА КЎП КУНЛИК ЎЗБЕКИСТОН ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТИ МУСОБАҚАЛАРИ ЯКУНИГА ЕТДИ. ЭЪТИБОРЛИ ТОМОНИ ШУНДАКИ, УНДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК СПОРТЧИЛАРДАН ТАШҚАРИ ҚОЗОҒИСТОНДАН КЕЛГАН ВЕЛОПОЙГАЧИЛАР ҲАМ ҚАТНАШИБ, ҒОЛИБЛИК УЧУН КУРАШ ОЛИБ БОРИШДИ.

Сўнгги якунловчи босқичда 165 ва 82 километрга пойга баҳслари уюштирилди. Қувонарли томони шундаки, унда маррага сирдарёлик Алексей Смирнов биринчи, чирчиқлик Филипп Яковенко иккинчи бўлиб етиб келишган бўлсада, барча олти босқич якунига кўра совриндор бўлган наманганлик Николай Казакбаев, фарғоналик Юрий Иноложатовлар қаторида пойтахт вакили Вадим Шайхов ҳам мутахассилару мухлислар эътирофига сазовар бўлди.

Мусобақалар якунида ғолиб ва совриндорларга совринлар, эсдалик совғалари топширилди.

ДУРАНГ БИЛАН БОШЛАШДИ

ВЬЕТНАМ ПОЙТАХТИ ХАНОЙ ШАҲРИДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН ХАЛҚАРО ТУРНИРДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАН РАВШАН ҲАЙДАРОВ ЕТАКЧИЛИГИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМПИЯ ТЕРМА ЖАМОАСИ ФУТБОЛЧИЛАРИ БИРИНЧИ УЧРАШУВНИ ДУРАНГ БИЛАН БОШЛАШДИ.

Гап шундаки, Олимпия терма жамоаларига кейинги халқаро турнирларда муваффақиятли иштирок этишлари учун ўзига хос маҳорат мактабини ўтайдиган ушбу мусобақанинг биринчи учрашувида Равшан Ҳайдаров шогирдлари вьетнамлик чарм тўп усталарига қарши майдонга тушишди. Шиддатли курашларга бой, муросасиз кечган беллашувда 2:2 ҳисоби қайд этилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланиб банд солинган қуйидаги автомототранспорт воситаларининг очиқ ким ошди савдоси ўтказилади.

2006 йил 2 май куни қуйидаги автомототранспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилади:

1. «ДЭУ Супер Салон 2.0» автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 6.400.000 сўм, техник соз-Юнусобод-263/4
2. «ДЭУ Супер Салон 2.0» автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 6.400.000 сўм, техник соз-Юнусобод-262/4;
3. «BMW-325» автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 7.200.000 сўм, техник соз-Юнусобод-238/4;
4. «ПЕЖО-206» автомобили, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 W 67-76, бошланғич нархи 14.580.000 сўм, техник соз-Юнусобод-135/4;
5. «Мазда-626» автомобили, ишлаб чиқарилган йили аниқланмаган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 2.916.000 сўм, тех. носоз-Юнусобод-158/13
6. «Иж-2125» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 О 73-85, бошланғич нархи 288.000 сўм, техник носоз – Юнусобод – 173/4
7. «Газ 2411» автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 Р 99-97, бошланғич нархи 1.080. 000 сўм, техник носоз- Юнусобод - 284/4
8. «УРАЛ-4320» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами белгиси 3414 ТНФ, бошланғич нархи 6.144.000 сўм, техник носоз-Миробод-48/4;
9. «ГАЗ-2411» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 G 0787, бошланғич нархи 648.929 сўм, техник носоз – Миробод-49/4;
10. «Нексия» автомобили, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AY 811, бошланғич нархи 4.500.000 сўм, техник носоз – Шайхонтоҳур – 306/4;
11. «Дамас» автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 313, бошланғич нархи 3.112.640 сўм, техник соз – Шайхонтоҳур – 306/4
12. «BMW-525» автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 J 8322, бошланғич нархи 8.000.000 сўм, техник соз-Юнусобод-46/4;

Ким ошди савдолари соат 16-00да бошланади.

Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш ҳафтанинг душанба, чоршанба, жума кунлари соат 14.00 дан 18.00 га қадар ишчи гуруҳи вакиллари томонидан амалга оширилади ва ким ошди савдоси бошланишидан 3 кун аввал тўхтатилади. Ким ошди савдосида иштирок этиш учун автомототранспорт воситаси сақланаётган туман суд ижрочилари бўлимасининг депозит ҳисоб рақамига автомототранспорт воситасининг бошланғич нархидан 10% тўланиши лозим.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.

Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 41-16-38.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўз-ўзи ўртаниб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Эй ҳаё маданию кони адаб,
Сари кўйинг эрур дўкони адаб.
Адаб эрмаски отинг зикр этмак,
Деса бўлғай сани жаҳони адаб.
Оразингдан ҳаё бўлур зоҳир,
Талъатинг фош этар нишони адаб.
РОЖИЙ

Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ.
НАВОИЙ

Ҳаёю шарму одобу тавозеъ,
Эмас ҳайвонаким, инсон яхши.
КАМИЙ

Қила олғунча таъзим ва
одоб биносин йиқма,
Ҳаё ва ҳурмат хилватидин
ташқари чиқма.
НАВОИЙ

Ҳаё номус имона далилдур,
Ҳаёсиз доимо хору залилдур.

***

Иффатнинг пардаси, виждоннинг ниқоби ҳаёдир...

Ҳаё пардаси ила ўралмиш инсонларнинг иффат пардаси йиртилмас.

Абдулла АВЛОНИЙ

Шарм-ҳаё ҳамма ярамас ишлардан тияди.
Уятсизлик киши учун жуда ярамас иллатдир.
Ростлик, шарму ҳаё ҳамда гўзал хулқ,
Учаласи бирикса, бу севинч демакдир.
Яъни бири—софлик ва ростфеъллик, булар,
Икки оламда кишини бахтиёр қилади.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

Карам ва мурувват ато ва анодурлар,
Вафою ҳаё икки ҳамзод фарзанд.
НАВОИЙ

Айбни икрор айламас,
Ҳеч номус ор айламас,
Панд этсангиз кор айламас,
Сўз садқаи увол экан.
БАЁНИЙ

Уятли киши одамларнинг сарасидир,
Уятсиз киши—кишиларнинг тубани,
Уятсиз тили тўғри сўз сўзламайди.
Уятсиз кишидан йироқ тур, йироқ,
Уятсизнинг кўзи қаттиқ бўлади.
Ор-номуссиз кишининг
юзи гўштсиз сўнгакдир,
Ор-номуссиз кишининг ўзи
битмас мараздир.

***

Кишилар орасида етуги уятли кишидир.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

Ҳаё билан камсуханлик имоннинг икки бўлагидир.

ҲАДИС

Бузуқ деворлардан ташвиш бор, лекин,
Синиқ кўнгиллардан кўпрокдир ташвиш.
Паҳлавон МАҲМУД

Улуғлик айлама зинҳор,
ўзингни камтар тут,
Бировда бўлса бу хислат,
ажаб саодатдур.
ҲУВАЙДО

Дедимки, мабодо хижолат етар,
Хижолат эрур юз ўлимдан баттар.
ХИРОМИЙ

Хилоф этган забунлардин забундир,
Бу дунёда у дунёси нагундур.
Хилоф этсанг агар айғон сўзингдин.
Кўтар эркаклик отини ўзингдин.
Чиқормағил оғиздин қилмас ишни,
Қилурман дема қўлдин келмас ишни.
Керак эрман деганни ваъдаси туз,
Агар туз бўлмаса андин кўнгил уз...
Сўзни бузғон киши бузмасму имон,
Ўлумса бирла қилма ахду паймон.
Сўфи ОЛЛАЁР

Агар орадан шарму ҳаё кўтарилса ва киши кишидан уялмаса, олам низомига халал етади.

КОШИФИЙ

Бошинг гардунга етса,
бўлмағил зинҳор хурсанд,
Ўзингни ҳар хасу хошакдин,
эй банда, камтар тут.
МАШРАБ

Тутай десанг яхшилар йўлин,
Ваъда қилсанг айлагин вафо!
Ваъда қарздир ҳар инсон учун
Фарзанд қарзни айламоқ адо!
Муҳаммад ЗЕҲНИЙ

ЯХШИЛИК, ЁМОНЛИК, ТЎҒРИЛИК ВА ЭГРИЛИК

Яхшилик кўзловчи бўйнига зинҳор
Қилич тортма бўлса ҳамки гуноҳкор!
Низомий ГАНЖАВИЙ

Жаҳонда яхшилик инсон
юзига зийнатдур,
Набот берса, заққум бир,
бари ямондин кеч.
Дилшоди БАРНО

Яхшига қўшилган кишилар яхшилик томонга юрадилар, шунинг учун сен олим, фозил, доно ва билимдон кишилар билан ҳамсуҳбат бўл, уларнинг суҳбати кишининг дил ойнасидан ҳирс, тамаъ ва бахиллик ғуборини супуриб ташлайди. Назм:

Софдиллик, хушхулқлик булар ҳаммаси.
Билгинки, одобнинг берган меваси!
Бархурдор ибн МАҲМУД

Маҳмуд ҲАСАНИЙ,
Ҳамиджон ҲОМИДИЙ
тайёрлашган

Марказдан квартира сотиб оламан. Т: 128-62-48

Қисқа вақтга квартира топшираман. Т:127-62-48, 128-62-48

Марказда жойлашган сув ҳавзасили уйни
ИЖАРАГА ОЛАМАН
Т:127-62-48



СПОРТ ХАНДАЛАРИ

Чойхонада ҳаддан ташқари мақтанчоқ шахматчи Асқарни ўртага олиб, калака қилишарди. У энди бир неча шахматчиларга сеанс қўйиб, икки айланиб чиқишдаёқ ҳаммасини мот қилиб ташлаганини кўпириб сўзларди.

— Бундан буён шахмат ўйинида сеанс кўяётган бўлсанг, айтгинчи, охирги сеансда нечта одам қатнашди? — сўради тенгдошларидан бири.

— Нечталигини санамадим, бутун бир қишлоқ одамларини ютдим, ҳисоб.

— Қойил, —деди бошқа бир оғайниси, — бутун бир қишлоқ одамини ютган бўлсанг, аждаҳо бўлиб кетибсан-да, дўстим!

***

— Боксда Эгам полвон чемпион бўлганидан хабаринг борми?

— Хабарим йўқ. У қанақасига чемпион бўлади? Балки, кўплаб нокаут олишдан чемпион бўлгандир?!

— Унақамасдиров, ҳатто маҳалласида ундан енгилмаган боксчилар қолмаган, дейишади.

— Сен бу гапни кимдан эшитдинг?

— Эгамнинг ўзидан.

— Шу гапни ўзи айтган бўлса, бекорга уни маҳалладошлари «Ёғоч полвон боксчи» дейишмаган экан-да ошна!

***

— Эшитдингми Қоравой, туманимизда бўлган кураш мусобақасида Али полвон ўзига учта келадиган барзангини бир кўтаришдаёқ ағдарибди-я?!

— Ростданми? Мен бошқача гап эшитдим, ўша Али полвон чигирткадек озғин боладан чалпаги чиқиб, йиқилибди.

— Бунга ишониб бўлмайди, балким, кураги ерга тегмагандир!

— Кураги ерга тегишининг нима аҳамияти бор, йиқилдими, тамом!

— Кураш охирида ҳакам кимнинг қўлини кўтарганини кўрганлардан сўра. Ўшанда маълум бўлади, оғайни!

— Ўзим кўрдим, ҳакам Али полвоннинг қўлини кўтармади, ерга букди.

***

Ўзини ҳаммадан кўра ашаддий футбол ишқибози деб биладиган Шокир маҳалла гузари ҳовлисида бир гуруҳ сафдошларига деди:

— Мен бугун ярим тунда Испаниянинг «Барселона» командаси билан Италиянинг «Милан» жамоаси ўртасидаги ўйинни кўрдим. Барселоначилар қотириб ютишди.

— Қўшнининг телевизорида кўрдингми? — сўради кимдир пиқирлаб кулиб.

— Ўзимизникида.

— Кўп лоф уриб алжирама, — деди ишқибозлардан яна бири, телевизор устаси Аширвой, — ҳали экрани куйган телевизорингни тузатганим йўқ-ку, устахонада чанг босиб ётибди!

— Ҳақиқий ишқибоз телевизорсиз ҳам дунёнинг нариги чеккасида бўлган ўйинни кўраверади. Балким, Шокир тушида кўргандир!

—У зр, тушимда кўргандим, —дея Шокир қизариб, мулзам бўлиб қолди.

Хандапаз: Олим ҚЎЧҚОРБЕКОВ

ГАБРОВО ЛАТИФАЛАРИ

ОШХОНАДА

— Эй йигит, менга гўштли овқатингдан олиб кел!

— Жоним билан.

— Жонинг керак эмас, лекин картошка албатта бўлсин, кўпроқ бўлсин.

ТАШХИС ҚЎЙИШ

Габроволик бир шифокордан сўрашди:

— Нега сиз доим мижозларни кўрганда уларнинг қандай овқатланишларини суриштирасиз? Бу — ташхис қўйиш учун жуда зарурми?

— Ташхис қўйишда эмас, қанча даволаш ҳақи олишни аниқлашда керак!

ГЎЛ ОДАМ

Бир савдогар ҳийла саводсизлик билан ёзилган пештахтани дўконининг пештоқига осиб қўйди. Унга шу камчилигини айтишганда, у шундай деди:

— Майли, харидорлар сотувчи гўл экан, алдаш осон, деб ўйлаб кира қолишсин.

ИБРАТ

Бир ёш йигит тушлик овқат пайтида габроволикнинг кўз олдида қовурилган скумбрия балиғини пок-покиза туширди.

— Бунақа қилиш ярамайди, йигит. Бу қанақа исрофгарчилик? — деди габроволик чидаб туролмасдан ва мақтаниб қўйди: — Мен битта скумбрияни бутун кун бўйи овқат қиламан, уни икки бўлак нон орасига қўяман, нонуштада ноннинг ўзини ейман, тушликда балиқнинг ярмини, кечкурун эса қолган ярмини ейман.

АЪЗОЛАР ПАЙРОВИ

Убайдулла — Кейинги 4-5 йил мобайнида ўзини эстрадага ураётган хонандалар баҳорги ёмғирдан сўнг пайдо бўлган қўзиқоринлардек кўпайиб кетди. Уларнинг баъзиларининг енгил-елпи «қўшиқ»ларини тинглаб СОЧИНГИЗ тикка бўлиб кетади.

Искандар — Нимасини айтасиз? Бармоқ вазнида тузукроқ қофияга ҳам эга бўлмаган «ғазал»ларни ўзлари тўқиб, қўшиқ қилиб айтишга ЮЗЛАРИ қандай чидар экан?

Жалолиддин — Тўқиган шеърлари ниҳоятда бачкана, КУРАҚДА турмайдиган даражада саёз.

Сотволди — Бир ашулада 2 қатор шеърни 10-15 марта ОРИЗга олишга ҳижолат ҳам бўлмайдилар.

Убайдулла — Фақат «ўлдим-куйдим» қабилидаги сўзларни ишлатишга қандай ТИЛЛАРИ боради?

Искандар — Ашула вақтида ҚОШ-КЎЗларини учиришларини айтмайсизми?

Жалолиддин — Мазаматрасиз қўшиқларни эшитиб ҳар қандай одамнинг ҚЎЛИ мушт бўлади.

Сотволди — Гапингиз тўғри, бундай қўшиқларни мумтоз ашулаларни менсимайдиган УПКАСИ йўқлар айтади.

Убайдулла — Мумтоз қўшиқларни айтишни чидаганга чиқарган. БУРУНГИ қўшиқлар ҳамма ТОМОҚДАН чиқавермайди.

Искандар — Саёз қўшиқлар кўпайишининг яна бир сабаби «миллий» сўзини ниқоб қилган ЖАҒИ тинмайдиганлар туфайли.

Жалолиддин — Улар аруз вазнида ёзилган шеър ва мумтоз қўшиқлар ҳақидаги гапларга ҚУЛОҚ ҳам солишмайди.

Сотволди — Айрим хонандаларга баъзи қуйларингиз туркча, эронча, озарбойжонча куйлардан сал ўзгартириб олинган десангиз, КИПРИК ҳам қоқмайди.

Убайдулла — Бошқа миллат куйларини ўзлаштириш ҳам ўғрилик эканини тушунтирсангиз, ТЕРИСИ қалин хонандалар сиртига сув юқтирмайди.

Искандар — ҚЎЛИни совуқ сувга урмай, фақат фонограммадан фойдаланаётганлар дунёни сув босса ТЎПИҒИга чиқмайдиган инсонлар бўлса керак.

Жалолиддин — Бунақанги беш ПАНЖАсини ОҒЗИга урадиган «юлдуз»лар жуда кўпайиб кетди.

Сотволди — Саёз қўшиқлар бадиий кенгашдан силлиққина ўтишига қараганда, у ерда ҳам «ЖИГАРчилик» бўлса керак.

Убайдулла — Нима бўлганда ҳам СОНда бор, санокда йўқ «қўшиқ»ларнинг камайишига умид қиламиз.

Искандар — Яхши ният. «Бу қўшиғинг талаб даражасида эмас» дейдиган ЛАБ-ДАХАНли инсонлар ҳам кўп.

Жалолиддин — Ҳар қалай, қўшиғи ўтмаган «хонанда» кенгаш аъзоларини ТИШлаб олмас.

Сотволди — КАФТим қичишаяпти, мумтоз ва лирик таржимонларимиз кўпайса керак!

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ

МУОМАЛАДА ГАП КЎП

Иш юзасидан катта бир идорага бордик. Эшик оғасига ҳужжатларимизни кўрсатсак, рухсатнома ёздиринг, дейишди. Рухсатнома ёзадиган таниш аёлга мурожаат қилдик.

— Кимга, нимага кирасиз? — сўради у.

Ҳисобхонага кирмоқчи эканлигимизни айтдик.

— Телефон қилинг, улар кўнгироқ қилишса ёзиб бераман, — деди у. Телефон рақамини билмаслигимизни айтиб, ўзидан телефон қилишини илтимос қилдик.

— Менинг вақтим йўқ, — деди у чимирилиб. — Телефон рақамини ўзингиз билишингиз керак. Ана деворда ҳамма телефонларнинг рақамлари осиғлиқ.

— Синглим, қаричилик, бунинг устига кўзойнагим иш столида қолиб кетибди. Илтимос, ўзингиз билиб бера қолинг.

— Бу менинг ишим эмас.

Хуллас, ўша куни идорага киролмай қайтдик.

Орадан бир ҳафта ўтиб ўша жойдан сим қоқиб керакли ҳужжатларни топиришимизни сўрашди. Кечикканимиз сабабини айтиб, бу гал рухсатнома ёздириб қўйишларини илтимос қилдик. Кейин оёғимиз тортар-тортмай яна ўша идорага бордик. Рухсатнома ёзадиган аёл хонасида йўқ. Ташқарида эшик оғаси билан гаплашиб турган экан. Исм-шарифимизни айтиб бизга рухсатнома ёзганёзмаганини сўрадик.

— Ҳозир кираман, нариги ойнага боринг, — деди у суҳбатнинг белига тепганимиздан норози оҳангда.

Кутдик. Ниҳоят у хонасига кирди. Фамилиялар ёзилган рўйхатни кўздан кечира туриб бизнинг фамилиямиз йўқлигини айтди.

— Ҳисобхонадагилар ёздириб қўямиз дейишувдику?

— Билмадим, эсларидан чиққан бўлса керак. Телефон қилинг. Яна ўша муомала, ўша жавоб.

Ниҳоят ичкаридан чиқиб келган ходимни тўхтатиб ҳисобхона телефон рақамини сўрадик. Барака топкур бир зумда сўраб-суриштириб билиб берди.

Қачонки ичкаридан телефон қилишгач, ўжар аёл ҳужжатимизни сўради. Тихирлик билан уни узоқ кўздан кечирди. Хайрият, ундан чалкашлик тополмади шекилли, ёзишга ўтирди.

Очиғи, анча-мунча ёшни қоралаган аёлнинг бу қилмишидан ранжидик. Биринчидан, унинг олдида идора ходимларининг телефон рақамлари бўлиши ва у рақамларни билиши шарт. Иккинчидан, ўртада одамийлик, меҳр-оқибат деган гап ҳам бор. Наҳотки, унга отаси тенги, устига устак таниш қария мурожаат қилиб турсаю лекин у ўжарлик билан биладиган телефон рақамини ҳам айтишдан бош тортса. Буни қандай тушунмоқ керак?

Бирор жойга ёки идорага қадам ранжида қилган одам — меҳмон биринчи навбатда эшикдан уни ким, қандай кутиб олишига қараб ўша идора жамоасининг муомала маданиятига баҳо беради. Шундай экан, бундай нуфузли идораларда бунақа қўпол, оддий лутфу карамдан йироқ бўлган аёлларга кўпчилик билан муомала қиладиган нозик ишни топшириб қўйиш қандай бўларкин? Ахир у шу қилмиши билан биргина ўзигагина эмас, балки бутун бир жамоанинг шаънига доғ тушириятку.

ГАП ЗГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

ҚАЙДАСАН, 91?

Ўтган дам олиш куни шошилинч юмуш билан кўчага отландик. Эрталаб роса соат ўнда 91-автобусга ўтириш учун Юнусобод метро йўналишининг охирги Ҳабиб Абдуллаев бекатига чиқдик. Кутдик-кутдик, автобус келмади. Бу орада бошқа йўналишлар бўйлаб қатновчи автобуслардан бир нечтаси қайта-қайта ўтиб кетди.

Орадан ярим соат вақт ўтди ҳамки, 91 дан дарак бўлмади. Йўловчилардан сўраб-суриштирдик.

— Эй отахон, борадиган жойингизга бошқа машинага ўтириб кетмасангиз, кеч қоласиз. Кейинги вақтларда 91 жуда камайиб кетган. Айниқса, дам олиш кунлари уни йўловчилар зор-интизор кутишади, — деган айтди.

Шундай бўлса-да, яна ўн дақиқа кутишга қарор қилдик. Барибир автобус келмади. Бекор ўтган 40 дақиқалик вақтимизга ачиниб, киракаш енгил машиналардан бирини тўхтатиб, манзилга шошилдик. Билмадик, шу куни йўловчилар автобусни яна қанча кутишди экан?

Мунажжим башорати

22 АПРЕЛЬ, ШАНБА

ЮЛДУЗЛАР ЖОЙЛАШИШИ БУГУН ЯНГИ КУЧЛАР УЙҒОНИБ, ЎЗИНГИЗ СЕЗМАГАН ҒАЙРАТ-ШИЖОАТЛАР ЖЎШ УРИШИДАН ДАРАК БЕРАДИ.

Лекин шуни билингки, ҳар қандай ноқулайлик ўз хатти-ҳаракатларингизни таҳлил этиш учун яхши баҳонадир. Ҳаракатсизлик, жўн кунлардан бири. Жавондаги буюмларни бирма-бир қандай кўздан кечирадиган бўлсак, ўз нуқтаи назаримизни, ишларимизни қайта кўриб чиқишимиз, бесамар ҳаракатларимизни аниқлаб, ўзгаришимиз лозим.

Бугунги кун аломатлари асосан майда-чуйда нарсалар билан боғлиқ; мунчоқларнинг сочилиб кетиши йўқотиш ва муносабатларнинг узилишидан огоҳлантириш бўлса, ип узилиши, чақмоқ чақиши яқинларингизга келадиган ноҳушликлардир. Устингизга сув тўкилиши ёки ёмғирда қолишингиз кўмак ва ҳимояга эга бўлишингизни билдиради.

23 АПРЕЛЬ, ЯКШАНБА

БУГУНГИ КУН БАШОРАТЛАР, ОҚИЛУ ДОНИШМАНДЛИК ҲАМДА ВАҚТ БИЛАН ИШЛАШ КУНИ. МУНАЖЖИМЛАР ШУНДАЙ ТАЪКИДЛАШАДИ. ЎЗИНГИЗДА КУЗАТУВЧАНЛИКНИ ТАРБИЯЛАШ, ЎЗ ФИКРЛАРИНГИЗНИ ВА ХОҲИШ-ИСТАКЛАРИНГИЗНИ НАЗОРАТ ҚИЛА БИЛИШ ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ.

Келажак тўла мавҳумликда ҳаётга кириб келади. Хатоларни тузатиш чораларини кўришга ҳаракат қилмас экансиз, ҳар қандай хавотирларингиз тўғри бўлиб чиқади. Музокаралар, ишонтиришга уринишлар ҳали бугун ҳам вазиятни барқарорлаштиришга ёрдам беради, эртага эса – кеч бўлади. Кўпгина муаммолар пул билан ҳал бўлади. Маблағингиз бўлмаса, муаммоларингизни чўзиб ўтирмай, қарз олганингиз маъқул.

Ўзингизни қаттиқ толиқтирманг ва асабийлашманг, кўзларингизни асранг, кўпроқ дам олинг

Оқ, юлғун ва сариқ рангли кийимлар бугун омадингиз келишига ёрдам беради. Қора, кўк ва жигарранг либосларингизни бошқа кунларга асраб қўйинг.

24 АПРЕЛЬ, ДУШАНБА

БУГУН ОЙНИНГ 26-КУНИ БЎЛИБ, МУНАЖЖИМЛАР ТАЪКИДИГА КЎРА, КАМРОҚ ГАПИРИБ, КЎПРОҚ ТИНГЛАШ ФОЙДАЛИ БЎЛАРКАН.

Ялтироқ тош топиб олишингиз ёки кутилмаганда қандайдир пулнинг қўлингизга тушиши яхшилик аломати ҳисобланади. Бу ҳолат сизнинг олий қудратдан ҳимоянгиз борлигини билдиради. Калит ёки майда пулни йўқотиш, шунингдек, эшикнинг синиши, кийимнинг бирор еридан йиртилиши ноҳуш ҳолатларга киради.

Бошдан-оёқ янги кийинишга ҳаракат қилинг. Олтинранг, оқ ва қизил тусли кийимларга устуворлик беринг. Қора, кўк ва жигарранг либосларни бошқа вақтга олиб қўя туринг.

ТВ | Yoshlar Telekanali | Toshkent TV | Sport TV | 30 kanal | 1 | Россия

ДУШАНБА, 24

«Ўзбекистон»

15.00 «Таҳлилнома».
15.45 «Сизнинг адвокатингиз».
15.50 «Олам ва одам» дастури: «Шамбord қалъаси сири».
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Равнақ» студияси намойиш этади.
17.35 «Минг бир маслаҳат».
17.55 «Умр дафтари». Б. Зокиров. 1-қисм.
18.20 Оқшом наволари.
18.30 «Пойдевор». Видеофильм. 5-қисм.
19.00 «Аъло ўйинчи». Телелотерея.
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.30 «Ахборот»
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқэртаги». Телесериал премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.40 Эркин мавзу.
22.00 «Тақдир ўйини». Телесериал премьераси.
23.20 «Олам ва одам» дастури: «Тўқнашувга уч дақиқа қолганда».

«Ёшлар»

16.00 Давр.
16.15 Шум болалар.
16.25 Ёшлар овози.
16.40 Чемпион сирлари.
17.00 «Орзулар бекати». Jakhongir. Uz.
17.10 «Бошпана излаб». Бадиий фильм.
18.35 Баҳор наволари.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Қизил ҳудуд.
19.55 Рақурс.
20.15 Салоҳиддин Азизбоев куйлайди.
20.35 Олий лига кундалиги.
20.55 «Оила тилсими». Ботир Зокиров 1-қисм.
21.20 UzEX хабарлари.
21.30 Мусиқий лаҳзалар.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 Мусиқий лаҳза.
22.40 Uz EX хабарлари (рус тилида)
22.35 «YOSHLAR»да спорт дастури: Интерфутбол.

«Тошкент»

18.15 «Экран детям».
18.30 «Пойтахт»
18.55 «Зийнат».
19.15 «Табриклаймиз- қутлаймиз».
19.45 «Бир жуфт аския».
19.50, 21.15 «Телекурьер маркет».
20.00 «Пойтахт».
20.25 «Камила». Телесериал.
20.45, 21.50 «Экспресс».
20.55 «ТВ юрист».
21.00 «Оқшом наволари».
21.25 «Журналист тахлили».
22.00 «Тоғлик куёв». Бадиий фильм. 1-қисм.
22.45-22.50 «Спокойной ночи, мой город!»

«Спорт»

18.00 «Детский спорт».
18.15 Мини футбол.
18.30 «Хабарлар»
18.50 «Жди меня».
20.00 «Вести».
20.30 «Королевы спорта».
20.50 «Футбольное обозрение».
21.15 «Тет-а-тет».
21.30 «Хабарлар».
21.50 «Две судьбы».
22.40 «Проф-РИНГ».
23.30 «Еврофутбол».
1.00 «Спокойной ночи!»

30-й канал

17.00 «Болалар соати»
17.40 «Мусиқий лаҳзалар»
18.00 «Кассандра», сериал
18.45 «Ишонч-ТВ тақдим этади «Илдизлар ва япроқлар» каштачилик
19.00 «Ошикона», мусиқий дастури
19.45 «Телехамкор» -фойдали газета
20.00 «Мусиқий табассум» музыкальная передача
21.00 «София, менга имкон бер», сериал
21.40 «Телехамкор»
21.50 «Мусиқий табассум» музыкальная передача
22.25 «Тараккиёт ТВ» тақдим этади «Газалхон шоир Восит Съдулла»
22.40 «Кашкирлар макони», сериал
23.10 «Эстрада оҳанглари»

ОРТ

5.00 «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 22.40, 02.00, 04.00 Новости
8.05 «Убойная сила». Сериал
9.20 «Детективы»
9.50 «Малахов + Малахов»
11.20 «Жизнь в три оборота». Док. фильм
12.00 Комедия «Желтый карлик»
14.10 «Лолита. Без комплексов»
15.00 Сериал «Талисман»
16.00 «Федеральный судья»
17.10 «Большие девочки»
17.40 «Любовь как любовь». Сериал
18.50 Жди меня
20.00 Время
20.30 «Девять месяцев». Сериал
21.30 «Короткое лето Жени Белоусова». Док. фильм
23.00 Теория невероятности. «Ген неверности»
23.50 «Гении и злодеи». «Экзопери. Полет к звездам»
00.20 Комедия «Каков отец, таков и сын»
02.05 Фильм «Анатомия порока».
03.30, 04.05 «Черные ангелы». Док. фильм

Россия

4.00 «Доброе утро, Россия!».
